

ГИЁҲВАНДЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Сарсенбаев Арепбай Дауранбаевич

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси курсанти

Жамолиддинов Рахматилла Бахтиёр ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси курсанти

Аннотация: Ушбу мақолада гиёҳвандлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир долзарб масалалар таҳлил қилинган, муаммо ва камчиликлар ўрганилган ҳамда уларни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар баён этилган. Гиёҳвандлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига сўнги йилларда катта эътибор қаратилмоқда, бундай ҳуқуқбузарликларни олдини олиш эса бутун жамиятнинг вазифасидир.

Калит сўзлар: профилактика, гиёҳвандлик воситалари, гиёҳвандлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.

Хозирги кунда бутун инсоният учун умумбашарий ва глобал муоммога айланган диний экстремизм, терроризм, одам савдоси, наркобизнес, қурол-яроқ савдоси каби халқаро жинойатчиликнинг авж олиши ҳар йили миллионлаб инсонларнинг ушбу турдаги жинойатлардан жабрланишига олиб келмоқда. Мазкур жинойатларнинг содир этилиши натижасида фуқаролар жисмоний, маънавий-руҳий ва моддий жиҳатдан жабр кўрмоқда. Халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, биргина дунёда 35 млндан ортиқ киши гиёҳвандликка мубтало бўлади. Уларнинг ҳар 7 нафардан 1 нафаригина тузалиши кузатилган⁴⁶.

Жаҳонда инсонларнинг гиёҳвандликка чалинишини олдини олиш ҳамда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда ўтказишини олдини олиш фаолиятини ташкил этишнинг замонавий усуллари алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада айниқса, ахборот технологиялари имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш ҳамда давлат органлари, жамоат ташкилотлари ҳамда фуқаролар фаоллигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда ўтказишини олдини олишни таъсирчан тизимини яратиш, замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...жинойатчиликка қарши курашиш ва

⁴⁶ Режим доступа: <http://www.maailmakool>. (дата обращения: 21.09.2019).

хуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни самарадорлигини ошириш»⁴⁷ каби долзарб вазифалар назарда тутилган. Бу эса, ички ишлар органлари фаолиятига замонавий илғор иш усул ва шакллари жорий этиш, хуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш бўйича фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорликни ташкил этишни тақозо этади.

Таҳлиллардан шуни хулоса қилиш мумкинки, гихвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволашга юбориш механизми тўлиқ яратилмаган ва бу жараёнда қуйидаги муаммолар учраётганлигини кўриш мумкин:

1) Гиёвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунга ҳилоф равишда ўтказиш билан боғлиқ жиноятлар профилактикасини ташкил этишга етарли даражада эътибор қаратилмаслиги, асосан, тадбирлар ушбу воситаларни истеъмол қилувчи шахсларни аниқлашга йўналтирилганлиги;

2) Гиёвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг қонунга ҳилоф равишда ўтказиш билан боғлиқ жиноятларни профилактикасини ташкил этишга етарли даражада эътибор қаратилмаслиги, асосан, тадбирлар ушбу воситаларни истеъмол қилувчи шахсларни аниқлашга йўналтирилганлиги, шунингдек ушбу фаолият бўйича профилактика инспекторининг ваколатлари камлиги, натижада профилактика инспекторлари айрим кечиктириб бўлмас вазиятларда мустақил қарор қабул қила олмаётганлиги ;

3) Жойларда гиёвандлик касаллигига мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш муассасаларининг етарли эмаслиги, бу касалликка мубтало бўлганларнинг миқдоридан келиб чиқиб, бундай муассасаларнинг сонини ошириш заруратининг мавжудлиги;

4) Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларни қонуна ҳилоф равишда ўтказганлик учун жазо чоралари ва санкцияларини юмшоқлиги натижасида ушбу жиноятнинг ретсидивлашишига олиб келмоқда;

5) Ички ишлар органларининг, хусусан профилактика инспекторларининг давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари билан ҳамкорлиги етарли даражада эмаслиги;

6) Маълумки, Жиноят кодексимизнинг 273-моддасининг диспозитсияси “Гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб **кўп бўлмаган миқдорда** қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек уларни кўп бўлмаган миқдорда қонунга ҳилоф равишда ўтказиш” деб белгиланган, вахоланки ушбу жиноят таркиби кўп бўлмаган миқдор бўлсагина келиб чиққанлиги сабабли ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсларни жавобгарликка тортиб бўлмаяпти.

Ўзбекистон Республикаси «Гиёвандлик воситалари тўғрисида»ги (1961 йил) ягона Конвенция, «Психотроп моддалар тўғрисида»ги (1971 йил), БМТнинг

⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонининг 1-иловаси 2.4-банди // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.2017.№6. 70-модда.

«Гиёвандлик воситалари ва психотроп моддаларга қарши ку-рашиш» бўйича (1988 йил) Конвенцияларнинг иштирокчисидир⁴⁸.

Айни пайтда БМТ Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда бугунги кунда дунёда 210 миллиондан ортиқ гиёванд қайд етилган бўлиб бу ер юзи аҳолисининг 3 фоизига тўғри келади.

Юқоридаги муаммо ва камчиликлар эса албатта камчиликлар ўз навбатида гиёвандлик воситалари ва психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда ўтказиш жиноятининг олдини олиш фаолияти самарадорлигини оширишга тўсқинлик қилади, шунингдек, ички ишлар органлари тизимидаги мавжуд муаммо ва камчиликларни ўз вақтида ечимини топиш, янги усул ва шаклларни ишлаб чиқиш ҳамда амалда қўллаш зарурати эса ушбу ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш юзасидан илмий тадқиқот ишларини амалга оширилишини тақазо этади ва мавзунинг долзарблигини янада оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекситон Республикаси Конституцияси -Т 2023
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси-Т 2023
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. Расмий нашр. – Т 2023
4. Jamoliddinov R., Sultonova M. ПОТЕНЦИАЛ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В ОБЕСПЕЧЕНИИ ОБЩЕСТВЕННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ И УМЕНЬШЕНИЯ ПРЕСТУПНОСТИ //Наука и технология в современном мире. – 2023. – Т. 2. – №. 18. – С. 4-11.
5. Baxtiyor o'g'li J. R. O 'ZBEKISTONDA REFERENDUM O 'TKAZISHINING AKTUALLIGI //Journal of Universal Science Research. – 2023. – Т. 1. – №. 4. – С. 564-567.
6. G'ayratovich M. A., Baxtiyor o'g'li J. R. MINI-FUTBOL SPORT TURI-IV AKADEMIYASI KURSANTLARINING JISMONIY TAYYORGARLIGINI TAKOMILLASHTIRISH VOSITASI SIFATIDA //SCIENTIFIC APPROACH TO THE MODERN EDUCATION SYSTEM. – 2023. – Т. 2. – №. 20. – С. 28-31.
7. Каршиев У. Х. и др. ZAMONAVIY ICHKI ISHLAR ORGANI HODIMLARIDA CHET TILLARINI O'RNI VA AHAMIYATI! //INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM. – 2023. – Т. 3. – №. 29. – С. 493-500.
8. G'ayratovich, Mirsharapov Akmal, and Jamoliddinov Raxmatilla Baxtiyor o'g'li. "MINI-FUTBOL SPORT TURI BILAN SHUG'ULLANUVCHI KURSANTLARDA SHIKASTLANISHNING OLDINI OLISH BO'YICHA CHORA-TADBIRLAR." *Scientific Impulse* 2.16 (2023): 151-154.

⁴⁸ Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларга қарши курашнинг миллий ва хорижий тажрибаси : бугунги ҳолати ва қонунчиликни такомиллаштириш истикболлари республика илмий-амалий конференцияси 2017-йил 18-апрель ИИВ Академияси т. 2017. 96 б.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “ Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – Юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигини гарови “ // ТОШКЕНТ «ЎЗБЕКИСТОН»-2017
10. Абдумуталипов А. Б. и др. ҚЎЛ ЖАНГИ СПОРТ ТУРИНИ КУРСАНТЛАРДА ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА ТАДБИРЛАРИ //PROSPECTS AND MAIN TRENDS IN MODERN SCIENCE. – 2023. – Т. 1. – №. 5. – С. 11-13.